O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ 280209

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2009-yil • 3-mart • Seshanba • 26 (27.987) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Табаррук заминимизнинг қадрига етиш учун аввало шу юртда яшаб ўтган буюк аждодларимизнинг маънавий жасоратини англаб, улуғлаб, уларнинг шу борадаги ибратли анъаналарини янги босқичда давом эттиришимиз керак».

Салқин саҳарларда, бодом гулида,
Бинафша лабида, ерларда баҳор.
Қушларнинг парвози, елларнинг нози,
Бахмал водийларда, қирларда баҳор.

ЎЗБЕКИСТОН – ТУРКМАНИСТОН ҚЎШМА БАЁНОТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан 24-25 февраль кунлари Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи бўлиб ўтди.

Давлат бошлиқлари дўстона ва ҳамжиҳатлик руҳида музокаралар ўтказдилар, сиёсий мулоқотни чуқурлаштиришга тайёр эканликларини тасдиқладилар, Ўзбекистон — Туркманистон муносабатларини янада ривожлантириш йўлларини белгиладилар. Томонлар бир-бирини қизиқтирадиган долзарб халқаро ва минтақавий масалаларни муҳокама қилдилар.

Президентлар олий даражада эришилган икки томонлама келишувлар сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий ва гуманитар ҳамкорликнинг турли соҳаларида ўзаро манфаатли икки томонлама алоқаларни янада кенгайтириш учун мустаҳкам негиз яратганини таъкидладилар. Ўзбекистон Республикаси билан Туркманистон ўртасида мустаҳкам қўшничилик ва дўстона алоқалар мавжудлиги, давлатлараро муносабатлар барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани тасдиқланди. Икки қардош давлатнинг эришилган келишувларни самарали амалга оширишга қаратилган давлатлараро ва ҳукуматлараро баҳамжиҳат ҳаракат механизмини ривожлантиришга интилаётгани қайд қилинди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилиб, Президентлар бу соҳадаги ҳамкорлик устувор аҳамиятга эга эканини таъкидладилар ҳамда тенг ҳуқуқлилик ва томонлар манфаатларини ҳурмат қилиш принциплари асосидаги ўзаро манфаатли шерикликни ривожлантиришга интилишларини изҳор қилдилар.

Давлат бошлиқлари мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтиришга Ўзбекистон Республикаси билан Туркманистон ўртасида 2008-2012 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг сифатли бажарилиши хизмат қилишини таъкидладилар.

Президентлар савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Туркманистон қўшма комиссиясининг 12-13 февраль кунлари бўлиб ўтган мажлиси якунларидан мамнун эканликларини изҳор қилдилар. Томонлар ўзаро савдо ҳажмининг муттасил ўсиб бораётганини қайд қилдилар. Қўшма комиссиянинг транспорт ва транспорт коммуникациялари, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаларидаги ҳамкорликни фаоллаштиришга қаратилган қарорларини амалда бажаришга ўзаро тайёр эканликлари тасдиқланди. Тошкентда Туркманистон Миллий кўргазмаси ўтказилишининг муҳимлиги қайд қилинди.

Президентлар маданият, санъат, туризм, спорт соҳаларидаги алоқаларни чуқурлаштириш ва фаоллаштиришдан икки томон ҳам манфаатдор эканини тасдиқладилар. Икки мамлакат халқлари ўртасидаги маънавий ва гуманитар алоқаларни сақлаш ва мустаҳкамлашга содиқлик изҳор қилинди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси ва Туркманистон мавжуд ҳуқуқий пойдеворга таяниши ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Туркманистон ҳукумати ўртасида маданий-гуманитар соҳада 2008-2010 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурининг самарали бажарилишини таъминлаши мумкин. 2007 ва 2009 йилларда икки давлат пойтахтларида биргаликда ўтказилган концертлар икки халқ маданияти яқинлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Долзарб халқаро масалалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг ҳам, Туркманистоннинг ҳам минтақа ва халқаро миқёсда тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга кўмаклашиш истаклари борлиги таъкидланди. Президентлар жаҳон ҳамжамияти мақсадлар умумийлигини англаш, ҳозирги хавф-хатар ва таҳдидларга қарши биргаликда курашиш зарурлигини тушуниб етиши, бу йўналишда амалий ишлар қилишга тайёр бўлиши бугун халқаро муносабатларнинг барча тизимларини собитқадам ривожлантиришнинг асосий шарти ҳисобланишини қайд қилдилар.

Томонлар Афғонистонда мумкин қадар тезроқ тинчлик ўрнатиш ва вазиятни барқарорлаштириш муҳимлигини таъкидладилар. Шу билан бирга улар икки мамлакатнинг Афғонистон масалалари бўйича халқаро ташкилотлар иштирокидаги музокаралар жараёнини фаоллаштиришга қаратилган самарали механизмлар яратиш бўйича ташаббуслари муҳимлигини таъкидладилар.

Ўзбекистон ва Туркманистоннинг Марказий Осиёда кенг доирадаги трансчегаравий таҳдидларга қарши — терроризм, диний экстремизм, уюшган жиноятчилик ва наркотрафикка қарши кураш соҳасидаги манфаатлари бир хилдир.

Президентлар Марказий Осиёдаги сув-энергетика муаммоларини муҳокама қилдилар. Бу масалалар минтақанинг барча давлатлари манфаатларини инобатга олган ҳолда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари ва принципларига асосланиб ҳамда халқаро ташкилотлар иштирокида кўриб чиқилиши лозимлиги қайд қилинди. Шу билан бирга трансчегаравий дарёлар манбалари ҳажмининг пасайишига йўл қўймаслик, шунингдек, манфаатдор томонлар билан трансчегаравий дарёларда гидроэнергетик лойиҳаларни амалга оширишда ошкоралик ва хабардорлик принциплари асосида мустақил халқаро техникавий-иқтисодий ва экологик экспертизалар ўтказилиши зарурлиги таъкидланди.

Музокаралар асносида фақат давлатларнинг биргаликдаги уринишлари, уларнинг глобал тараққиётнинг энг муҳим масалаларига нисбатан келишилган принциплар ва ёндашишларга содиқлиги жаҳон ҳамжамиятига ушбу масалаларни самарали ҳал қилиш усулларини топиш имконини бериши қайд қилинди. Бу тўла равишда энергия манбаларини транспортировка қилишда энергетика хавфсизлигининг глобал тизимини шакллантиришга ҳам тегишлидир.

Давлат бошлиқлари БМТ Бош Ассамблеясининг 2008 йил 19 декабрда Туркманистон ташаббуси билан қабул қилинган «Энергия манбаларининг ишончли ва барқарор транзити ва унинг халқаро ҳамкорликни оғишмай ривожлантиришни таъминлашдаги роли» номли резолюцияси ва ундаги 2009 йилда Ашхободда энергия манбаларини жаҳон бозорларига транспортировка қилиш масалаларини муҳокама этиш учун халқаро конференция ўтказишга берилган мандатнинг алоҳида аҳамиятга эга эканлигини қайд қилдилар.

Ўзбекистон ва Туркманистон ўз табиий газ захираларининг дунё бозорларига чиқиш маршрутларини диверсификация қилиш билан боғлиқ масалаларни биргаликда ўрганишдан манфаатдор эканликларини изҳор қиладилар.

Президентлар бир-бирини қизиқтирадиган икки томонлама ва кўп томонлама масала ва муаммолар бўйича мунтазам равишда маслаҳатлашувлар ўтказиб туришни мақсадга мувофиқ деб биладилар. Шу маънода халқаро ташкилотлар доирасида баҳамжиҳат ҳаракат қилиш масалалари, шунингдек, транспорт коммуникацияларини ривожлантириш, ёқилғи-энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаларида ҳамкорлик каби энг долзарб иқтисодий масалалар, маданий-гуманитар ва бошқа бир-бирини қизиқтирадиган соҳаларда ҳамкорлик масалалари устувор ҳисобланади. Икки томонлама маслаҳатлашувлар турли даражаларда ўтказилади. Жумладан, давлат раҳбарлари, икки мамлакатнинг вазирлик ва идоралари раҳбарлари даражасида, расмий делегациялар ташрифлари чоғида.

Президентлар тарихан шаклланган алоқаларга асосланган Ўзбекистон — Туркманистон муносабатлари юқори, сифат жиҳатдан янги даражага кўтарилганига ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва Туркманистон халқларининг туб манфаатларига, уларнинг фаровонлигини оширишга жавоб берадиган дўстлик ва ўзаро англашув руҳига тўла равишда мос келишига ишонч билдирдилар.

Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга, бугун ўзбек халқига Туркманистон делегациясига кўрсатилган самимий қабул ва меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдирди ва Ўзбекистон Республикаси Президентига ўзи учун қулай вақтда Туркманистонга расмий ташриф буюришни таклиф қилди. Ташриф муддати дипломатик каналлар орқали келишилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ

Туркманистон Президенти Гурбангули БЕРДИМУҲАМЕДОВ

Тошкент шаҳри, 2009 йил 25 февраль

✓ Депутат ва ҳаёт

ЎЗБЕКИСТОН ХДП ФРАКЦИЯСИ

Қонунчилик палатасида партия электорати манфаатларини қатъият билан ҳимоя қилаётганидан хабардормиз, — дея таъкидлашди сайловчилар депутатлар билан бўлган учрашувларда

— Очиғини айтганда, илгари депутатларни асосан номзодлик вақтларидагина кўрардик, — дейди «Нуроний» жамғармаси туман бўлими раиси Ибодулло Умиров Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзХДП фракцияси раҳбари Аслиддин Рустамовнинг Пайариқ туманида бўлган сайловчилар билан учрашувида. — Икки палатали парламент шаклланганидан буён депутатимиз билан мунтазам учрашиб турибмиз. Шуни айтишим мумкинки, бундай учрашувлар мамлакат фуқароларининг фикрлари қонунларимизда ўз ифодасини топишига хизмат қилаяпти.

Туман жамоатчилиги вакиллари билан бўлиб ўтган мазкур мулоқотда фракция етакчиси мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан 2009 йил Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб эълон қилинганлиги, бу борада қабул қилинган Давлат дастурининг асосий мақсади, унда белгиланган вазифалар ҳақида сўз юритди.

— Дастурда қишлоқ инфратузилмасини шакллантириш, аҳолига ҳар томонлама қулайлик яратишга йўналтирилган аниқ тадбирлар белгиланган, — деди у. — Шу асосда қишлоқларимизда кенг қамровли ишлар бажарилмоқда. Давлат бюджетидан ажратилаётган маблағнинг катта қисми аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, янги иш ўринлари яратиш, энергетика, мелиорация тизимларини таъмирлаш, реконструкция қилишга йўналтирилмоқда. Қишлоқ хўжалиги соҳасида махсус банк ташкил этилиб, қишлоқларда турар жойлар қуриш учун кредит берилиши режалаштирилмоқда. Шунингдек, қишлоқ аҳлига сервис хизмати кўрсатишни яхшилаш мақсадида тегишли маблағ ажратилиб, 140 мингга яқин янги иш ўрни барпо этиш белгиланган. Шунингдек, Давлат дастурида янги йўл, телекоммуникация тизимларини яратиш, қишлоқда саноатни ривожлантириш сингари долзарб масалалар ўрин олган. Буларнинг барчаси мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлаш, одамларга муносиб турмуш шароитларини яратишга қаратилган. Қачонки, қишлоқ обод, гўзал, фаровон бўлса, юрт тараққий этади, ривожланади...

Депутат билан сайловчиларнинг учрашувида бошқа яна кўплаб масалаларда батафсил фикр юритилди.

— Учрашув айниқса, ўқитувчилар учун жуда фойдали бўлди, — дейди Пайариқ қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи директори Неъматулло Иброҳимов.

2-бет

✓ ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Чуст туман партия кенгаши томонидан «Қишлоқ ҳаёти ва маданиятини янги поғонага кўтариш — ЎзХДП электорати манфаатларига хизмат қилади» деб номланган семинар ташкил этилди. Унда партия кенгаши ижроия қўмитаси аъзолари, халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, ҳудудий партия ташкилотлар тарғибот гуруҳлари аъзолари иштирок этди.

Туман партия кенгаши раиси Муҳсинжон Бобохонов жорий йилда қишлоқ аҳолиси бандлигини таъминлаш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, меҳнат ва фуқаролик ҳуқуқларини янада тўлиқроқ таъминлашга қаратилган қатор тадбирлар Давлат дастурига киритилгани, бундан электортимиз бевосита манфаатдорлиги масаласига тўхталди.

Семинарда асосий эътибор мазкур Давлат дастурини бажаришда партия фаоллари, бошланғич ташкилотлар ва депутатлар томонидан қилиниши лозим бўлган ишларга қаратилди.

Шунингдек, сўзга чиққанлар электорат манфаатини ҳимоя қилиш, аҳоли орасида партия обрў-эътиборини мустаҳкамлаш борасида ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар. Партия фаоллари олдида турган муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2009 йил 3 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	891,98	1 Малайзия рингити	379,47
1 Англия фунт стерлинги	2117,46	1 Польша злотийси	378,05
1 Дания кронаси	238,21	1 СДР	2073,60
1 БАА дирхами	384,75	1 Туркия лираси	832,73
1 АҚШ доллари	1413,15	1 Швейцария франки	1202,68
1 Миср фунти	253,25	1 Евро	1850,24
1 Исландия кронаси	12,31	10 Жанубий Корея вони	8,94
1 Канада доллари	1106,36	10 Япония иенаси	144,78
1 Хитой юани	206,63	1 Россия рубли	39,56
		1 Украина гривнаси	183,53

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

✓ Қонун ва шарҳ

• МАЛАКАЛИ ЮРИДИК ЕРДАМ ОЛИШ ҲУҚУҚИ



2-бет

• ҲАРБИЙЛАР ОЛИБ ЧИҚИЛАДИ

АҚШ президенти Барак Обама Ироқдаги Америка ҳарбий контингентининг асосий қисмини олиб чиқиш тўғрисидаги режани расман эълон қилди.

3-бет

❖ Муқаддас қадамжоларимиз

• БОҒИСТОН УЛУҒЛАРИ

4-бет

ЯНГИ ШИФОХОНА

Фарғона вилоятининг Данғара туманидаги Қум-қияли қишлоғида замонавий врачлик пункти иш бошлади. Бу ерда кундузги стационар, эмлаш, гинекология, стоматология ва муолажа хоналари аҳолига сифатли хизмат кўрсатмоқда.

— Айни кунда туманимизда йигирмата қишлоқ врачлик пункти аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда, — дейди туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи ўринбосари Анваржон Жумабоев. — Мазкур тиббиёт масканлари «Саломатлик-2» лойиҳаси доирасида замонавий жиҳозлар билан таъминланди.

М.СУЛАЙМОНОВ, ЎзА мухбири.

O'zbekiston havo yo'llari TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ЎЗБЕКИСТОН ХДП ФРАКЦИЯСИ

Қонунчилик палатасида партия электорати манфаатларини қатъият билан ҳимоя қилаётганидан хабардормиз, — дея таъкидлашди сайловчилар депутатлар билан бўлган учрашувларда

— Билдирилган фикрлар биз орқали албатта ўқувчиларимизга етиб боради. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан коллежимизда ҳам дастур ишлаб чиқдик. Унга кўра, коллеж қошида аёллар ва эркаклар сартарошхонаси, кийим тикиш цехи, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устахонаси, зооветеринария бўлимини очмоқчимиз. Бу мақсадлар амалга ошса, қарийб 50 та янги иш ўрни яратилади. Талабаларимиз ўқув, ишлаб чиқариш амалиётини ўташи, олаётган назарий билимларини мустаҳкамлаши, бўш вақтини бекор ўтказмасдан, фойдали меҳнат билан банд бўлиши учун барча шарт-шароитлар яратилади. Учрашув чоғида депутат Аслиддин Рустамов ушбу вазифаларни амалга оширишда ҳар томонлама ёрдам беришга тайёр эканини билдирди.

Депутат тумандаги қатор касб-ҳунар коллежлари, меҳнат жамоаларида ҳам сайловчилар билан учрашувлар ўтказди.

Абдували ХУДОЁРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
(Самарқанд вилояти)

ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева билан Қорақўл ва Олот туманларида бўлиб ўтган учрашувларда сайловчилар катта қизиқиш билан иштирок этишди.

Айни пайтда бутун дунёда молиявий-иқтисодий инқироз авж олаяпти. Мамлакатимизда бунга қарши чоралар кўрилиб, бунёдкорлик ишлари кенг кўламда давом эттирилмоқда. Шу боис, сайловчилар ўз депутатлари билан ислоҳотлар самарасини янада ошириш, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар, 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари ҳақида мулоқот қилдилар.

— Мамлакатимизда демократик жараёнлар тобора чуқурлашиб бормоқда, — деди Шарбат Абдуллаева. — Сиёсий партиялар фаолияти сезиларли даражада кучайди. Одамлар мамлакатда кечаётган жараён ва ўзгаришларга бефарқ эмас. Бу юртдошларимиз сиёсий онги ошаётгани, фуқаролик масъулияти кучаяётганидан далолатдир. Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги Юртбошимиз маърузасида белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш барчамиздан янада фаоллик, жонкуярлик, юртимиз тақдири учун жавобгарликни чуқур англаш, ҳис этиш ва шунга монанд ҳаракат қилишни талаб этади. Бунда кўпроқ ёшларга эътибор қаратиш, уларни мамлакатимизда жаҳон молиявий инқирозининг салбий таъсирини камайтириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлардан хабардор қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Учрашувларда сайловчилар ҳам сўзга чиқишиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шавкат Каримов ҳам Бухоро, Когон туманлари ва Когон шаҳрида сайловчилар билан учрашувлар ўтказди. Депутат мамлакатда кечаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, ЎзХДП фракциясининг қонун ижодкорлиги, ислоҳотлар ҳуқуқий асосларини яратишдаги иштироки ҳақида тўхталди ҳамда сайловчиларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
(Бухоро вилояти)

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Гулистон Аннақличева ҳар гал сайловчилар билан учрашганида Қонунчилик палатасида қонунлар лойиҳалари муҳокамаси жараёнида партиямиз фракцияси тутган позиция ва амалдаги қонунларнинг аҳамиятини чуқур тушунтириб беришга ҳаракат қилади. Навбатдаги учрашувлар ҳам аниқ мисоллар, таҳлиллар асосида ўтди, ўзаро фикр алмашувлар бўлди. Шунингдек, Нукус, Тахиатош шаҳарлари, Амударё туманидаги учрашувларда депутат, қонунлар ижросининг назорат-таҳлили, халқаро, парламентлараро алоқалар ҳақида ҳам маълумот берди.

Сайловчилар депутатнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан қандай фойдаланаётгани билан қизиқдилар. Бунга жавобан у «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини тайёрлашда фаол иштирок этгани, шу кунларда Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш масаласи устида ҳам иш олиб бораётгани ҳақида маълумот берди.

— Сайловчилар билан ўтган ҳар учрашувдан руҳий қувват оламан, — дейди Г.Аннақличева. — Хилма-хил фикрлар билдирилади, мулоҳазалар айтилади. Қонун ижодкорлиги фаолияти учун одамларнинг муаммоси, хоҳиш-иродасини билиш жуда муҳим. Мулоқотларимиз ҳар доим очиқ, эркин, самимий ўтади. Баъзан фаолиятимизга танқидий фикрлар ҳам билдирилади. Бундан тўғри хулоса чиқаришга ҳаракат қиламан.

Раймбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
(Қорақалпоғистон Республикаси)

105-Бешкент сайлов округидан депутат Машкура Сафаева сайловчилар вакиллари билан учрашувлар давомида кўплаб фуқароларни алоҳида қабул ҳам қилди. Улар ўртага қўяётган масалаларни ечиш юзасидан маслаҳатлар берди, айримлари билан ўзи шуғулланишини айтди. Масалан, Қарши туманидаги Қозикент қишлоғидан Э.Зоиров қишлоқда 1200 киши истиқомат қилиши, 540 нафар ўқувчи қўшни қишлоқлардаги мактабларга қатнаб таҳсил олиши, бу ўзига хос қийинчилик туғдираётгани, қишлоқнинг ўзига янги мактаб зарурлигини айтди. Депутат бу масалани тегишли ташкилотлар билан бирга ўрганиб чиқишини билдирди.

Қарши шаҳар тиббиёт бирлашмасидаги учрашув айниқса, қизиқарли ўтди. Партиямиз электорати вакиллари билан қизғин мулоқот бўлди. Вилоят адлия бошқармасида судьялар, адлия ходимлари, нотариус идоралари вакиллари, Қарши шаҳридаги қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежларининг ўқувчи ва ўқитувчилари йиғилди. Депутат суд-ҳуқуқ тизимидаги муҳим ислоҳотлар, бу соҳада қабул қилинган қонунлар ҳақида гапирар экан, Конституциямизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият сифатида кафолатланганига алоҳида эътибор қаратди.

Қарши шаҳар ҳокимлиги мажлислар залида бўлган учрашув вилоят партия кенгашининг «Қишлоқ ҳаёти ва маданиятини оширишда фаол иштирок этиш — Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг муҳим вазифаси» мавзуидаги семинарига уланиб кетди. Машкура Сафаева мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдираркан, партия етакчилари электорат ҳаётини мунтазам равишда ўрганиб, хулоса чиқариб бориши, аниқ таклифларга эга бўлиши, депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорликни кучайтириш лозимлигини таъкидлади. Бундай ҳамкорлик орқали йирик корхоналар қишлоқларда касаначиликни янада ривожлантиришига кўмаклашса, айни муддао бўларди, дея таъкидлади депутат.

Шунингдек, М.Сафаева Қашқадарё вилоят партия кенгаши Ахборот-ресурс марказида «Ўзбекистон ХДП аъзолари, электорати вакилларида юксак маънавият, сиёсий маданият ва фуқаролик масъулиятини шакллантиришда партия ташкилотлари, депутатлик бирлашмаларининг вазифалари» сиёсий семинар машғулотида ҳам қатнашди.

Депутатнинг Қарши туманида сайловчилар билан бўлган учрашуви ҳам жонли мулоқотлар асосида ўтди.

Шунингдек, 109-Касби, 113-Яккабоғ сайлов округларидан депутатлар Анвар Шукуров, Боймурод Юсуповларнинг сайловчилар билан учрашувларида ҳам қизғин савол-жавоблар бўлди, кўплаб таклифлар билдирилди.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
(Қашқадарё вилояти)

(Давоми. Боши 1-бетда)

✓ Қонун ва шарҳ

МАЛАКАЛИ ЮРИДИК ЁРДАМ ОЛИШ ҲУҚУҚИ

Адвокатурани ривожлантириш, унинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва ролини ошириш, айблов ва ҳимоянинг тенглигини таъминлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилиб, бунинг учун зарур бўлган ҳуқуқий асослар яратилди. 1998 йил 25 декабрда эса адвокатнинг дахлсизлиги, адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва ижтимоий ҳимояси, юридик ёрдамни таъминлаш кафолатлари, адвокатура билан давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солувчи яна бир муҳим ҳужжат — «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

2008 йил 31 декабрда қабул қилинган ва 2009 йил 1 январдан кучга кирган «Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун ҳам бу соҳада амалга оширилаётган изчил, босқичма-босқич ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлиб хизмат қилди.

Ушбу қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2008 йил 1 майда қабул қилган Фармони асосида ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия кодексларига, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига, «Адвокатура тўғрисида»ги ва «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутади.

Гувоҳнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан қўшимча механизм яратиш мақсадида Жиноят кодексининг 240-моддаси гувоҳ ўзига қарши кўрсатув беришни рад этган тақдирда уни жиноий жавобгарликдан озод қиладиган норма билан тўлдирилди. Айни бир вақтда Жиноят-процессуал кодекснинг «Гувоҳнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари» деб номланган 66-моддаси гувоҳларга адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланиш, шунингдек, тергов ҳаракатларида адвокат билан бирга ҳозир бўлиш, ўзига қарши кўрсатув бермаслик ҳуқуқини берадиган норма билан тўлдирилди. Жиноят-процессуал кодекс жиноят процесси янги иштирокчисининг ҳуқуқий мақомини белгилайдиган «Гувоҳнинг адвокати» деб номланган 66¹-модда билан тўлдирилди.

Ушбу моддага мувофиқ гувоҳнинг адвокати ишда иштирок этишга адвокатлик гувоҳномасини кўрсатгач ва ордер тақдим этгач, гувоҳ чақирилган пайтдан эътиборан қўйилади. Шу билан бирга жиноят ишида тарафлар манфаатини ҳимоя қилаётган шахс гувоҳнинг адвокати бўлиши мумкин эмас. Ушбу моддада гувоҳ адвокатининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам белгилаб қўйилди. Мазкур Кодекснинг 114-моддасига киритилган ўзгартишларда сўроққа ўз адвокати билан ҳозир бўлган гувоҳни ёки жабрланувчини сўроқ қилиш адвокат иштирокида амалга оширилиши назарда тутилди.

Ҳимоячининг ҳуқуқларига доир Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг йигирма битта моддасига тааллуқли бўлган ўзгартишлар «Адвокатура тўғрисида»ги қонунда ва Жиноят-ижроия кодексининг янги таҳририда берилган «Юридик ёрдам олиш ҳуқуқини таъминлаш» деб номланган 10-моддасида ҳам белгилаб қўйилди.

Шунингдек, Жиноят-процессуал кодекснинг 46- ва 48-моддаларига киритилган ўзгартишларда айбланувчининг ва гумон қилинувчининг ҳуқуқларини кенгайтириш назарда тутилди. Хусусан, мазкур шахсларга қамоққа олинганлиги ва турган жойи тўғрисида адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали қўнғироқ қилиш ёки хабар бериш, учрашувларнинг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда адвокат билан учрашиш ҳуқуқи, кўрсатувлар беришдан бош тортиш ҳамда берган кўрсатувларидан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор этилиш ҳуқуқи, шунингдек, материаллар ва ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан нусхалар олиш ёки уларда кўрсатилган маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш ҳуқуқи берилди.

Жиноят процессининг исталган босқичида юридик ёрдам олиш ҳуқуқини кафолатлайдиган конституциявий нормани амалга ошириш мақсадида Жиноят-процессуал кодекснинг «ҳимоячи» деб номланган 49-моддаси жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганида эса унинг ҳаракатланиш эркинлигига бўлган ҳуқуқи амалда чекланган пайтдан эътиборан ишда ҳимоячи иштирок этишига рухсат этилишини таъминлайдиган норма билан тўлдирилди.

Мазкур кодекснинг 53-моддасига киритилган ўзгартишлар ҳимоячининг ҳуқуқларини кенгайтирди. Хусусан, ҳимоячи адвокатлик гувоҳномасини кўрсатгач ва муайян ишни олиб бориш учун ордер тақдим этгач, ишда иштирок этиш, далиллар сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган маълумотларни тўплаш ва тақдим этиш, мутахассисни тушунтириш бериш учун жалб қилиш, гумон қилинувчи ёки айбланувчи иштирокида ўтказилган процессуал ҳаракатларга оид ҳужжатлар билан, дастлабки тергов тамом бўлганидан кейин эса жиноят ишининг барча материаллари билан танишиш ва ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш, материаллар ва ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан нусхалар олиш ёки уларда кўрсатилган маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш ҳуқуқига эга.

Бундан ташқари, ҳимоячи, агар гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи қамоқда бўлса, у билан жиноят ишини юритишга масъул давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг рухсатисиз, учрашувларнинг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда холи учрашишга ҳақли.

Айни вақтда Жиноят-процессуал кодексининг 55-, 57- ва 59-моддалари жабрланувчига, фуқаровий даъвогарга ва фуқаровий жавобгарга материаллар ҳамда ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан нусхалар олиш ёхуд уларда кўрсатилган маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш ҳуқуқини берадиган нормалар билан тўлдирилди.

Жиноят-процессуал кодексининг 69-моддасига киритилган ўзгартишлар ҳимоячининг илтимосномасига кўра суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан мутахассис тушунтириш бериш учун чақирилиши мумкинлиги аниқлаштирилди.

Мазкур кодекснинг «Далиллар тўплаш» деб номланган 87-моддасида эса ҳимоячи далиллар сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган маълумотларни тўплаш тартиби аниқлаштирилди. Шу билан бирга ҳимоячининг ўзи тўплаган материалларни ишга қўшиб қўйиш тўғрисидаги илтимосномаси суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан қаноатлантирилиши кераклиги ҳам белгилаб қўйилди.

Жиноят-процессуал кодексининг «Жиноят иши кўзғатилгунга қадар ушлаб туриш тартиби» деб номланган 224-моддаси ички ишлар органи ходими ёки бошқа ваколатли шахс ушлаб турилган шахсга адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали қўнғироқ қилиш ёхуд хабар бериш, ҳимоячига эга бўлиш, кўрсатувлар беришни рад этишга бўлган процессуал ҳуқуқларини тушунтириши, шунингдек, у берган кўрсатувлардан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлигини билдириши шартлиги ҳақидаги норма билан тўлдирилди.

Ушлаб турилган шахснинг ҳимоячи билан биринчи холи учрашувига, кодекснинг 230-моддасига киритилаётган ўзгартишларга мувофиқ сўроққа қадар рухсат берилади.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси адвокатнинг профессионал фаолиятига унинг сўровига жавоб тақдим этмаслик, шунингдек, адвокатнинг ишда иштирок этишига тўсқинлик қилиш мақсадида унга қандай шаклда бўлмасин, таъсир ўтказиш ёки унинг топшириқ берувчи, бинобарин ишонч билдирувчи шахс (ҳимояси остидаги шахс) манфаатларига зид бўлган вазиятни мажбуран эгаллашига эришиш тарзида тўсқинлик қилганлик учун маъмурий жавобгарлик жорий этадиган 197¹-модда билан тўлдирилди.

«Адвокатура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига киритилган ўзгартишлар ўн иккита моддага тааллуқли бўлиб, қонун ўн битта янги модда билан тўлдирилди.

«Адвокат» тушунчаси таърифига бағишланган 3-модда адвокатнинг асосий адвокатлик фаолиятидан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланишини тақиқловчи норма билан тўлдирилди (илмий ва педагогик фаолият, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасидаги ва унинг ҳудудий бошқармаларидаги фаолият бундан мустасно). Ушбу қонунга киритилган, адвокат мақомига эга бўлиш тартибини белгилайдиган 3¹-моддага кўра, жумладан, адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия адлия органлари томонидан Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари ҳузурида тузиладиган малака комиссияларининг (13-модда) қарорлари асосида берилади. Айни вақтда лицензия олиш учун риоя этилиши шарт бўлган янги талаб ҳам киритилди. Бу юридик мутахассислик бўйича камида икки йиллик иш стажига эга бўлиш, шу жумладан, адвокатлик тузилмасида камида олти ой стажировка ўтаган бўлиш талабидир.

Шунингдек, малака имтиҳонини топширган шахс уч ой ичида лицензия олиш учун адлия органларига мурожаат қилиши кераклиги, бу муддат ўтказиб юборилган тақдирда мазкур шахс малака имтиҳонини такроран топириши шартлиги назарда тутилди. Адвокатликка талабгор лицензия олганидан кейин уч ой ичида адвокатлик қасамёдини қабул қилиши ва адвокатлик тузилмасини тузиши ёхуд фаолият кўрсатаётган адвокатлик тузилмаларидан бирига аъзо бўлиб кириши шарт. Адвокатлик тузилмаси рўйхатдан ўтказилган ёки талабгор фаолият кўрсатаётган адвокатлик тузилмасига кирганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар адлия органлари томонидан қабул қилиб олинган пайтдан эътиборан уч иш куни ичида талабгорга адвокатлик мақоми олганлигини ҳам тасдиқлайдиган гувоҳнома берилади. Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси гувоҳнома берилганлиги ҳақидаги хабарномани олган пайтдан эътиборан адвокат Адвокатлар палатасининг аъзоси ҳисобланади.

«Адвокатура тўғрисида»ги қонун адвокатлар зиммасига Адвокатлар палатаси томонидан белгиланадиган тартибда уч йилда камида бир марта касб малакасини ошириш мажбуриятини юклайдиган норма (7-модда), адвокатнинг стажёри мақомини белгилайдиган 8¹-модда, юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида битим (шартнома) тузишнинг умумий қоидаларини белгилайдиган 9¹-модда билан тўлдирилди.

Қонуннинг 13¹-моддасида эса адвокатга гувоҳнома берган адлия органининг қарори билан адвокат мақомини тўхтатиб туриш тартиби ва асослари белгилаб қўйилди. 14-моддада адвокатнинг интизомий жавобгарлиги чоралари аниқлаштирилди. Мазкур чораларни қўллашга адвокат томонидан қонун ҳужжатлари талабларини ҳамда адвокатнинг касб одоби қоидаларини бузганлиги асос бўлади.

Юқорида кўрсатиб ўтилганлардан ташқари, адлия органи ёки Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси томонидан интизомий иш кўзғатиш учун адвокатнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, суднинг адвокатга нисбатан чиқарган хусусий ажрими ҳам асос бўлади. Бунда интизомий жазо чоралари огоҳлантириш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатишдан иборат бўлади. 15-моддага мувофиқ лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга адвокатнинг жиноий жавобгарликка тортилиши, адвокат томонидан адвокатура тўғрисидаги қонунлар ҳужжатлари талаблари, адвокатнинг касб этикаси қоидалари ва адвокат қасамёди бузилганлиги аниқланиши, Адвокатлар палатаси ҳудудий бошқармаси ёки адлия органи қарорлари адвокат томонидан бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги асос бўлади. Лицензиянинг амал қилишини тугатиш асослари мазкур қонуннинг янги таҳririдаги 16-моддасида баён этилди.

«Адвокатура тўғрисида»ги қонунга киритилаётган ўзгартишларга мувофиқ «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги қонуннинг олтита моддасига аниқлик киритиш хусусиятидаги ва атамаларга доир ўзгартишлар киритилди.

Мазкур қонунда адвокатура йўналишидаги хорижий мамлакатлар, жумладан, Германия, Буюк Британия, АҚШ, Франция, Хитой, Россия ва бошқа давлатлар тажрибалари таҳлил қилиниб, ҳисобга олинди.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур қонун суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг ажралмас қисми бўлмиш адвокатура тизимини тубдан ислоҳ қилиш, унинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги аҳамиятини кучайтириш ва чинакам мустақиллигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Самира САИД-ГАЗИЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги масъул ходими.

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ

интизом ва ҳушёрликни талаб этади

Огоҳлик

Ҳаммамиз йўловчимиз. Хоҳ пиёда, хоҳ машинада бўлайлик йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига ҳар доим риоя қилишга тўғри келади.

Сўнгги пайтларда мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, соҳани янада такомиллаштириш, ҳайдовчи ва пиёдаларга турли қулайликлар яратиш ишларига катта эътибор берилмоқда. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан республикамиз ҳудудида янги нусхадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномалари ва унинг талони, шунингдек, янги миллий давлат рақам белгилари бериш йўлга қўйилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, янги миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси халқаро талаблар асосида тайёрланган бўлиб, махсус ҳимоя қатламига эга.

Миллий ҳайдовчилик гувоҳномасига бериладиган талонда ҳам бир қатор ўзгаришлар мавжуд. Жумладан, қоидабузарликларни қайд этиш қисмига қўшимча банд киритилди. Унда транспорт воситасини бошқариш чоғида телефондан фойдаланиш ва транспорт воситаси ойналарининг ёруғлик ўтказувчанлиги талаблари бузилиши ҳам қайд этилади.

Янги давлат рақам белгиларининг жорий этилишидан кўзланган асосий мақсад — бу автомототранспорт воситалари миллий давлат рақам белгиларининг халқаро талаблар ва стандартларга мувофиқлигини таъминлаш, рўйхатдан ўтказиш ҳамда ҳисобга олишни электрон тизимга ўтказиш, шунингдек, қалбакилаштириш ҳамда ноқонуний фойдаланишнинг олдини олишдир. Давлат рақам белгилари ёруғликни акс эттирувчи қопламага эга бўлиб, у чидамли ва коррозияга қарши металл қотишмасидан, қалбакилаштиришдан ҳимоя қилишнинг юқори даражасини таъминловчи махсус технология асосида тайёрланган.

Ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг саломатлиги ва молмулкини муҳофаза қилиш мақсадида конструкциясида хавфсизлик камарлари кўзда тутилган барча транспорт воситаларининг ҳайдовчилари ва йўловчилари ҳаракат вақтида хавфсизлик камаридан фойдаланишлари шарт қилиб белгиланди. Транспорт воситасини бошқариш вақтида телефондан фойдаланиш, мониторлардан видеотеле дастурларни томоша қилиш тақиқланган.

— Кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, — деди журналистлар билан бўлган матбуот анжуманида ИИВ ЙҲҲББ бошлиғининг биринчи ўринбосари полковник Ғайрат Болтабоев, — белгиланган қоидаларга риоя қилмаслик нохуш ҳолатларга сабаб бўлмоқда.

Бунинг исботи сифатида Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармасидан олинган маълумотларга эътибор қаратайлик. 2008 йил давомида республикамизда 10823 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган. Унда 2178 нафар киши ҳалок бўлиб, 11656 нафари эса жароҳатланган.

Пиёдалар айби билан содир этилган 1187 та йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида 236 нафар фуқаро ҳалок бўлган ва 985 нафари турли даражада тан жароҳати олган.

Болалар иштирокида 1830 та автоҳалокат содир этилиб, уларда 262 нафар бола ҳалок бўлган, 1672 нафари тан жароҳати олган.

Транспорт воситаларини спиртли ичимлик ичиб маст ҳолда бошқариш оқибатида содир этилган 373 та йўл-транспорт ҳодисаси сабабли 100 нафар киши ҳалок бўлган ва 443 нафар фуқаро тан жароҳати олган.

Бу аччиқ ҳақиқатдан хулоса чиқариб олишимиз, ўзимизни, фарзандларимизни, яқинларимизни турли фалокатлардан асрашимиз учун пиёдами, ҳайдовчими, ҳар биримиз йўл ҳаракати қоидаларига қатъий амал қилишимиз талаб этилади.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



ҲАРБИЙЛАР ОЛИБ ЧИҚИЛАДИ

АҚШ президенти Барак Обама Ирокдаги Америка ҳарбий контингентининг асосий қисмини олиб чиқиш тўғрисидаги режани расман эълон қилди. Бу ҳақда «AFP» АА хабар тарқатди.

Обама режасига кўра, АҚШ ҳарбий қўшини Ироқдан 2011 йил охирида тўлиқ олиб чиқиб кетилади.

«Sky News» телеканали хабар беришича, президент Обама 2010 йил 31 августдан эътиборан Ирокда Америка ҳарбийларининг жанговар ҳаракатлари тўхтатилишини ваъда қилди. Шу вақтдан бошлаб Америка контингентининг асосий кучлари Ирокдан олиб чиқиб кетилади. Аммо бир йилдан ортиқ вақт давомида 35 мингдан 50 минггача Америка аскари мамлакатда тартибни сақлаш учун Ироқ хавфсизлик кучларига ёрдам беради.

Маълумки, Обама президентлик сайлови кампаниясида АҚШ ҳарбий контингентини 16 ой давомида Ирокдан тўлиқ олиб чиқишга ваъда берган эди. Лекин янги режага кўра, бу ваъда муддати яна 2 ойга чўзиладиган бўлиб турибди.

НАВБАТДАН ТАШҚАРИ САММИТДА КРИЗИСДАН ЧИҚИШ ЧОРАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Якшанба куни Брюсселда Европа Иттифоқининг навбатдан ташқари саммити бўлиб ўтди. Унда ЕИга аъзо 27 та давлат етакчилари глобал иқтисодий-молиявий инқироздан чиқишнинг амалий чоралари ҳақида бирор-бир қарор қабул қилганлари йўқ. Балки иқтисодий инқироздан барча биргаликда чиқиш ёки ҳар бир аъзо давлат ўзича, ўз режасига кўра чиқиш принциплари муҳокама қилинди.

Аммо «Правда. ру» сайтидаги хабарда ёзилишича, шарқий Европа билан Ғарбий Европа мамлакатлари бу борада ягона фикрга кела олмаяптилар.

Шарқий европаликларнинг айтишича, инқироздан чиқиш режаси «протекцион» (бирор давлатнинг ўз миллий иқтисодиётини ташқи таъсирлардан ҳимоя қилишга қаратилган иқтисодий сиёсати) характерга эга бўлиб, у фақат Ғарбий Европа давлатлари манфаатларини кўпроқ ҳимоя қилишни назарда тутади.

Дарвоқе, ИТАР-ТАСС хабарига қараганда, Европа Иттифоқи ва Еврокомиссия раҳбарияти Латвия, Литва, Эстония ва Болгариянинг тезкорлик билан еврога ўтиш режасини рад этди. Уларнинг айтишича, ҳозирги иқтисодий оғир шароитда евро ҳудудини кенгайтириш салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

ИҚТИСОДИЙ-МОЛИЯВИЙ ИНҚИРОЗ ЭНЕРГЕТИКА ТАНҚИСЛИГИНИ ЮЗАГА КЕЛТИРИШИ МУМКИН

Халқаро энергетика агентлиги (ХЭА) экспертлари огоҳлантиришича, бугун жаҳонда юз бераётган иқтисодий-молиявий инқироз яна саноқли йиллардан сўнг энергетика инқирозини юзага келтириши мумкин экан. Сайёрамизда нефть захирасининг етишмаслиги эса бунга сабаб бўлади.

ХЭА мутахассисларининг ҳисоб-китобларига кўра, жаҳон ҳамжамияти 2013 йилдаёқ нефть тақчиллиги юзага келиши оқибатида янги инқирозга дуч келиши мумкин.

ХЭА директори Нобуо Танаканинг «Suddeutsche Zeitung» газетасига берган интервьюсида айтишича, айни дамда йирик нефть концернлари иқтисодий-молиявий инқироз боис янги конларни топиш ва уларни қазиш лойиҳаларини инвестициялаш жараёнини тўхтатиб қўйган.

Айни пайтда нефтга бўлган эҳтиёж камайиб кетганлиги боис нефть ишлаб чиқарувчи мамлакатлар, аниқроғи, дунёнинг 800 та йирик нефть конидан 580 тасида нефть қазиб олиш ҳажмини қисқартирган.

ОПЕК (Нефтни экспорт қилувчи давлатлар ташкилоти) бош котиби Абдулла ал-Бадрининг айтишича, бугунги кунда янги конларни қазиш бўйича тузилган 130 та йирик лойиҳадан 35 таси «музлатиб» қўйилган.

ХЭА экспертларининг таҳлилларига кўра, 2010 йилдан жаҳон иқтисодиёти юксалиш томон юз буриши кутилмоқда. Демак, ўз-ўзидан нефтга бўлган эҳтиёж ҳам ортади. Аммо бу пайтда нефть захираси камайиб кетганлиги боис нефть тақчиллиги юзага келиши ва нефть нархи ошиб, пул қадрсизланиши юз бериши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Шунинг учун ҳам Нобуо Танаканинг айтишича, нефть концернлари янги конлар лойиҳаларига капитал жалб қилишни давом эттиришлари лозим.

ШОЛИ ЕТИШТИРИШ НАЗОРАТДА

Венесуэла президенти Уго Чавес фармойишига биноан мамлакатда шоли етиштириш ва қайта ишлаш билан шуғулланувчи барча агрокомпаниялар армия назоратига ўтказилади. Мақсад ушбу озиқ-овқат маҳсулотига бўлган аҳоли талабини бирдек қондириш ва унинг нархнавоси ошиб кетишининг олдини олиш, дейилади «Reuters» АА хабарида.

Манбаларда қайд этилишича, ушбу чора У.Чавеснинг мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллигига қарши курашда қўллаган навбатдаги тадбиридир.

Маълумки, ўтган йил январида Венесуэла маъмурияти мамлакатдаги йирик «Alimentos Polar» агрохолдинг компанияси раҳбариятини нарх-навони сунъий равишда ошириш учун кўп миқдорда шоли маҳсулотини яширганликда айблаганди. Ушанда ҳарбийлар компания томонидан яшириб қўйилган 400 тонна маҳсулотни топиб олишганди.

ALP JAMOL BANK

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР

Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш орқали рақобатбардош, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга эришилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишида эса банкларнинг, шу жумладан, «Алп Жамол банк» жамоасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Айниқса, бу борада истиқболли лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига доимий молиявий мадад кўрсатишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Масалан, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги «БРИЗ» масъулияти чекланган жамиятини олайлик. Асосан полиэтилен маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона банкнинг Қибрай филиали Чирчиқ минибанки мижозидир. «БРИЗ» МЧЖ ўтган йил сентябрида банк филиалидан ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун олган 200 миллион сўм кредитга асосий хомашё — полиэтилен сотиб олди. Жорий йилнинг 1 январь ҳолатига эса жами 390 миллион сўм кредит олиниб, ўзлаштирилди. Ўнта янги иш ўринлари яратилди, ишлаб чиқариш қуввати эса янада ошди. Ҳозир корхонада йилига 144 млн. дона ҳар хил полиэтилен пакетлар ишлаб чиқарилмоқда.

Дарвоқе, корхона маҳсулотларига наинки ўзимизда, балки қўшни мамлакатларда ҳам талаб катта.

Тошкент вилояти ҳудудидаги йирик паррандачилик хўжаликларидан бири — «Тошкент парранда» масъулияти чекланган жамияти ҳам «Алп Жамол банк»нинг энг ишончли мижозларидан бири ҳисобланади. 2007 йилнинг сентябрь ойида банкнинг Қибрай филиали билан «Тошкент парранда» МЧЖ ўртасида имзоланган лизинг шартномасига кўра 1 млрд. 300 млн. сўм маблағ ажратилди. Натижада корхонада тухум ва парҳез гўшт ишлаб чиқариш миқдори янада ўсди.

ХОАТБ «Алп Жамол банк» фаолиятидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Умуман банк томонидан барча молиялаш манбалари ҳисобидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида катта миқдорда маблағ ажратилди. Банкнинг ўз маблағи ҳисобидан ўтган йил бошидан буён 649 миллион сўм кредит берилди. Ўғит ва ёнилғи-мойлаш материаллари сотиб олиш учун 70 млн. сўм, чорва моллари, парранда сотиб олиш ва балиқчиликни ривожлантириш учун 430 млн. сўм маблағ ажратилди. Бундан ташқари бир млрд. 820 млн. сўмлик лизинг хизматлари кўрсатилди.

Банк жамоаси накд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмасини янада қисқартириш юзасидан ҳам бир қатор ибратли ишларни амалга оширди. Жумладан, ўтган давр мобайнида банк кассаларига накд пул тушумларини кўпайтириш ва биринчи даражали тўловлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларини ўз вақтида накд пул билан тўлиқ таъминлаш мақсадида барча имкониятлардан фойдаланилаяпти. Айниқса, пластик карточкалар орқали ҳисоб-китоб юритиш ишлари жадаллашди. Ўтган йил охиригача 1815 та пластик карточка тарқатилди. Ойлик иш ҳақи лойиҳаларидаги пластик карточкалар сони 1780 тадан ошиб кетди. Йил давомида 8 млрд. 59 млн. сўмлик тўловлар пластик карточкалар орқали амалга оширилди.

Президентимизнинг Республикада 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисидаги қарори, Марказий банк томонидан белгиланган прогноз кўрсаткичлар ижросини тўлақонли бажариш, тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир белгиланган қўшимча чора-тадбирлар мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда аҳоли учун қулай омонат турларини жорий этиш мақсадида ўтган йил давомида бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилди.

Масалан, миллий валютадаги «Истиқлол», «Нур», «Хазина», «Комфорт» омонатларига қизиқувчилар кўпаймоқда. Чунончи, 2009 йил 1 январь ҳолатига омонатга қўйилган маблағлар 17 млрд. 561 млн. 930,9 минг сўмни ташкил этди.

Шунингдек, банкнинг «Быстрая почта», «Юнистрим», «Вестерн Юнион», «Контакт», «Мигом» сингари еттита тезкор пул ўтказиш тизимлари Тошкент, Чирчиқ, Зангиота, Оҳангарон, Шаҳрисабз, Бешкент, Яккабоғ, Кеш, Китоб, Чироқчи, Қибрай, Ғазалкент ва бошқа бўлимларда фаолият кўрсатмоқда. Улар орқали саноқли дақиқаларда пулни ўтказиш ва қабул қилиб олиш мумкин.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилини ҳам муваффақиятли бошлаган банк ходимларининг нияти — бу йил қишлоқларга банк хизматларини янада кўпроқ олиб кириб, эл-юрт фаровонлигига муносиб ҳисса қўшишдир.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

Барча қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

СИРДАРЁ ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИНИНГ ҚУРИЛИШ БЎЙИЧА «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2009 ЙИЛДА ҚУЙИДАГИ ИНШООТЛАРНИ ТЎЛИҚ ТАЪМИРЛАБ БЕРИШ ШАРТИ БИЛАН ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Т/р	Объектлар номи	Қуввати
	Капитал таъмир	**12848**
1	Гулистон тумани, Боёвут ф/хдаги 24-мактаб	360
2	Гулистон тумани, Улуғбек ф/хдаги 18-мактаб	480
3	Янгиер шаҳридаги 5-мактаб	660
4	Янгиер шаҳридаги 7-мактаб	630
5	Ховос тумани, Шарқобод қишлоғидаги 3-мактаб	492
6	Ховос тумани, Янгиер ф/хдаги 11-мактаб	630
7	Ховос тумани, А.Темур ф/хдаги 21-мактаб	624
8	Сирдарё тумани, Охунбобоев ф/хдаги 31-мактаб	550
9	Сирдарё тумани, Ж.Маманов ф/хдаги 7-мактаб	1020
10	Сардоба тумани, Пахтаобод пос. 14-мактаб	570
11	Сардоба тумани, Т.Малик ф/хдаги 22-мактаб	180
12	Боёвут тумани, Деҳқонобод ф/хдаги 7-мактаб	600
13	Боёвут тумани, Навоий ф/хдаги 5-мактаб	510
14	Боёвут тумани, Т.Латипов ф/хдаги 2-мактаб	536
15	Боёвут тумани, Навбаҳор ф/хдаги 50-мактаб	198
16	Боёвут тумани, У.Юсупов ф/хдаги 29-мактаб	624
17	Сайхунобод тумани, Бирлашган ф/хдаги 5-мактаб	360
18	Сайхунобод тумани, Ш.Рашидов ф/хдаги 10-мактаб филиали билан	400
19	Сайхунобод тумани, Ғалаба ф/хдаги 31-мактаб	320
20	Оқолтин тумани, Андижон ф/хдаги 7-мактаб	924
21	Оқолтин тумани, Р.Мусамуҳаммедов ф/хдаги 14-мактаб	320
22	Мирзаобод тумани, Оқолтин ф/хдаги 13-мактаб	422
23	Мирзаобод тумани, Чинобод ф/хдаги 29-мактаб	422
24	Мирзаобод тумани, Наврўз пос. 1-мактаб	624
25	Гулистон шаҳридаги 10-мактаб	392

Буюртмачи манзили: Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, М.Ахтамова кўчаси, 30-уй, тел: (8-3672) 27-63-86

Қурилиш ишларини молиялаштириш: «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган Халқ таълими вазирлиги мактаб жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: ҳисоб рақамида танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоиз миқдоридаги бўш айланма маблағи бўлиши ёки шу миқдордаги кредит банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурси мавжудлиги, шартномалар тузишга ҳуқуқий лаёқат, ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги, ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми 50 фоиздан кам бўлмаслиги шарт.

Маълумот учун телефон: (8-3672) 27-63-86,
факс: (8-3672) 27-61-93, 27-62-25.

Тошкент шаҳри, Ҳамза туманида рўйхатга олинган «VARY-PROFIT-BUSINESS» хусусий корхонаси (ИНН 300726052) ТУГАТИЛАДИ.
Даъволар бир ой ичида 293-03-46 телефони орқали қабул қилинади.

Тадбир

ОИТС — XXI аср вабоси

эканлиги Самарқанддаги Сўзангарон тиббиёт коллежида бўлиб ўтган конференцияда алоҳида таъкидланди

Ёшлар ва ота-оналар иштирокида уюштирилган тадбирда Самарқанд шаҳар «Соғлом авлод» халқаро хайрия жамғармаси директори Г.Ҳусанова, 3-туғуруқхона шифокори Ш.Салоҳитдинова, репродуктив саломатлик, соғлом турмуш тарзи асослари, ОИТС пайдо бўлиши, унинг манбаи ва фожиали оқибатлари ҳақида маъруза қилишди.

Шунингдек, коллеж директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Ё.Нурмуҳамедов конференция иштирокчилари диққат-эътиборини бугунги кунда жаҳон жамоатчилигида жиддий ташвиш уйғотаётган одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар ва уларнинг мудҳиш оқибатларига қаратди. Шунингдек, мавзу юзасидан берилган саволларга батафсил жавоб берилди.

(Ўз мухбиримиз)

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

қуйидаги иншоотларни мукаммал таъмирлаш учун пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Лот 13-1. Узун туманидаги 320 ўқувчи ўринли 1-мактаб-болалар боғчаси биносини мукаммал таъмирлаш.
Лот 13-2. Денов туманидаги 834 ўқувчи ўринли 31-мактаб биносини филиали билан мукаммал таъмирлаш.
Лот 13-3. Денов туманидаги 920 ўқувчи ўринли 77-мактаб биносини мукаммал таъмирлаш.
Лот 13-4. Денов туманидаги 834 ўқувчи ўринли 80-мактаб биносини мукаммал таъмирлаш.
Лот 13-5. Ангор туманидаги 320 ўқувчи ўринли 21-мактаб биносини мукаммал таъмирлаш.
Лот 13-6. Олтинсой туманидаги 540 ўқувчи ўринли 9-мактаб биносини мукаммал таъмирлаш.
Лот 13-7. Олтинсой туманидаги 340 ўқувчи ўринли 47-мактаб биносини мукаммал таъмирлаш.
Лот 13-8. Шеробод туманидаги 240 ўқувчи ўринли 24-мактаб биносини мукаммал таъмирлаш.

Иншоотларнинг қурилиш муддати — 2009 йил 1 август

Буюртмачи: Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.
Манзили: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй.
Телефон/факс: (8-376) 222-49-71, 222-49-80, 222-49-85.

Иншоотларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган Республика мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздаварҳитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:
Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уй,
Телефон/факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: **Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уй**да ўтказилади.

❖ Муқаддас қадамжоларимиз

Парвардигори олам буюк зотларни Ўзи азиз этган жойлардагина дунёга келтиради. Бундай юртлар эса ер юзида саноқли. Биз чексиз шукроналик билан айтамизки, она Ватанимиз Аллоҳнинг назари тушган ана шундай муқаддас диёрдир.

Ислом КАРИМОВ

Боғистон қишлоғидаги 42-мактабнинг замонавий биноси

БОҒИСТОН УЛУҒЛАРИ

Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманига қарашли Боғистон қишлоғи тарихи жуда қадим замонларга бориб тақалади. Қудратли тоғлар қуршовидаги бу кент ҳақидаги илк маълумотлар X асрда яратилган тарихий-жўғрофий асар «Ҳудуд ул олам»да учрайди. Асарда «Садбағво» (тарихчиларнинг фикрича бу сўз тўғон маъносини англатади) номи билан келтирилган қишлоқ ғоят хушманзара, гўзал гўша сифатида тасвирланади. Шунингдек, Боғистондан ўтадиган сойлар ҳақида ҳам ўша манбада, маълумотлар келтирилган.

Ушбу мақолада Боғистондан етишиб чиққан тарихий шахслар ҳақида манбаларга таянган ҳолда ҳикоя қиламиз.

ШАЙХ УМАР БОҒИСТОНИЙ

Қадимий Боғистон қишлоғида туғилган Умар Валий ўз даврининг йирик олими ва шайхи эди. Унинг туғилган йили номаълум. Вафоти эса милодий 1291 йил деб кўрсатилади.

Фахруддин Али Сафийнинг «Рашаҳот айн ул-ҳаёт» («Ҳаёт чашмасидан томчилар») китобида ёзилишича Шайх Умарнинг насаби ўн олти восита орқали пайғамбаримиз сафдошларидан бири бўлган, халифа ҳазрати Умарга бориб туташади. Авлиёликдаги шажараси эса Шайх Ҳасан Булғорий орқали расулуллоҳга бориб тақалади.

Унинг кароматлари ҳақида кўплаб афсона ва ривоятлар мавжуд. Улардан бирини Боғистон қишлоғида истиқомат қилаётган Ашурвой Хонов бизга ҳикоя қилиб берди: **«Бир куни шайх ҳазратлари ўз томорқаларида сабзи ўтаб турганларида ул зотнинг ёнига қўлларида ҳасса тутган бешта қаландар келиб Маккани йўлини кўрсатишини сўрайди. Шайх Умар уларга озроқ юрсаларинг бир сой чиқади, ўшандан ўтиб борасизлар деб айтади. Шайхнинг мулозаматидан хурсанд бўлган қаландарлар ҳассаларини унутиб қолдирадилар. Шайх эса уларни ўша сой атрофига қадайди. Бир неча кун ўтиб, бешта қайрағоч униб чиқади».** Шундан сўнг бу жой ва сой ҳозиргача Бешқайрағоч деб аталади.


Шайх Умар Боғистоний мақбараси

Шайх Умар Валий илм ўрганиш ниятида Бухорога боради. Бу ерда Шайх Ҳасан Булғорий билан учрашиб, ундан таълим олади. Шунингдек, бу зотни Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари ҳам ниҳоят ҳурмат қилиб қадрлаганлар. Диний ва дунёвий илмларни эгаллаб, тасаввуфда камолга етганидан кейин Шайх Умар киндик қони томган Боғистон қишлоғига қайтиб келади.

Шундан сўнг бутун умри давомида боғдорчилик билан шуғулланиб, камтарона ҳаёт кечиради ва ўзи барпо этган боққа дафн этилади. Шайх томонидан барпо этилган бу боғ ҳозирда ҳам қисман сақланиб қолган. У кишининг ўз қўллари билан эккан тут ва ёнғоқ дарахтлари ҳанузгача бор. Шайх Умарнинг нисбасига Боғистоний сўзининг қўшиб айтилиши ва қишлоқнинг Боғистон деб аталишига ҳам сабаб айнан шу бўлса керак. Кейинги йилларда бу жойда маҳалла аҳли томонидан бир қатор ободонлаштириш ишлари олиб борилди.


Шайх Умар Боғистоний ўз қўллари билан эккан ёнғоқ дарахти

ШАЙХ ХОВАНДИ ТОҲУР

Боғистон шайхлари силсиласининг иккинчи йирик вакили, Шайх Умар Боғистонийнинг фарзанди — Шайх Ховандн Тоҳурдир.

Ривоятларда келтирилишича, Шайх Умар Боғистоний ўз фарзанди Ховандн Тоҳурни Шайх Зайниддин — Кўйи Орифон руҳини восита қилиб, Худодан тилаб олган экан. Фарзанди туғилгач, Шайх Умар уни Шайх Зайниддин мақбарасига олиб келади, шунда бу ерда юрган бир тўда каптарлар ҳавога кўтарилади. Уларнинг учиши ва овозидан «тоҳур» сўзи қулоққа чалинади. Шайх Умар ўғлига қўйган Ховандн исми ёнига Тоҳурни ҳам қўшади. Ховандн сўзи «худованд» сўзининг қисқартмаси бўлиб, художўй маъносини англатади. Тоҳур эса пок ва софликни билдиради.

Шайх Ховандн Тоҳур Боғистон қишлоғида туғилиб вояга етган бўлса-да, унинг ҳаёти, асарлари, маърифатни қўйловчи шеърлари Тошкент шаҳри билан чамбарчас боғланиб кетган. Боғистонлик Абдумаъруф Абдужабборовнинг ривоят қилишича, Шайх Умар ўз боғида етиштирилган учта қизил олмани Чирчиқ дарёсига оқизиб, шу олмалар тўхтаган жойда фарзандим илм олади деб башорат қиладилар. Орадан уч кун ўтиб, Умар Боғистоний оқизилган олмаларни излаб йўлга тушади ва уларни Тошкентдан топади. Натижада Шайх Ховандн ҳаётининг аксар қисми қадимий Тошкентда ўтади.

Шайх Ховандн ҳам отаси каби халқни илму маърифатли қилишга бел боғлайди. Ҳазрат 1359 йилда Тошкентда вафот этади.

Ўз отасидан фарқли равишда ул зот тасаввуф тариқати ҳақида бир неча рисолалар ҳам битганлар. Чунончи, академик Б.Валихўжаев ўзининг «Хожа Аҳрори Валий» номли асарида Шайх Ховандннинг рисоласидан қуйидаги мисолни келтиради:

«Дилбар жамолсиз бўлмас, раҳбар камолсиз». Демак, бунда сўз раҳбар-муршид ҳақида борар экан, ҳар қандай киши ҳам раҳбар бўлавермаслиги алоҳида уқтирилиб, фақат шу соҳада камолга эришган шахсгина йўлбошчи бўла олиши таъкидланган.

ХОЖА ДОВУД

Шайх Ховандннинг ўғли Хожа Довуд ҳам ўз даврининг йирик олими ва шайхи эди. У киши тариқат бобида етук валий даражасига етиб кучли каромат соҳиби бўлган.

Манбаларда келтирилишича, Хожа Баҳоуддин Нақшбандннинг севимли шогирди Хожа Муҳаммад Порсо (в.1419) муридларидан бирини Тошкентга, Хожа Довуд ҳузурига юборади ва Маккага сафар қилмоқчи эканини билдиради. Хожа Довуд Муҳаммад Порсо юборган кишини кузатиб қўяркан, унга тулки терисидан тикилган пўстин, Муҳаммад Порсога эса болта билан теша бериб юборади. Бу пайтда кун жуда иссиқ бўлиб, ҳалиги кишига совға ғалати туюлади. Йўлда ҳаво бирдан совиб кетади ва юпун кийинган бояги одам пўстинни кийиб жон сақлайди. Муҳаммад Порсо эса Мадинада вафот этади. Қабр қазиш учун эса айнан ўша болта билан тешадан фойдаланилади.

Мир Абдул Аввалнинг «Масмуот» китобида келтирилишича Хожа Довуд 1418 йилда 75 ёшида вафот этади. Унинг қабри Боғистон қишлоғидаги Шайх Умар Боғистоний мақбараси ёнидадир.

Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ,
ЎзМУ тарих факультети талабаси.
Суратлар муаллифи Абдивоси ҲАЙДАРОВ.

(Боши. Давоми кейинги сонда.)

БАҲОР ВА ЗУЛФИЯ!..

Баҳорнинг илк кунида туғилиш ҳам аслида тақдирнинг иноятн бўлса керак. Ҳар йили баҳор келиши, баҳор байрами мамлакатимизда шеъриятимиз маликаси Зулфияхоним таваллуд топган кун билан ҳамоҳанг нишонланади. Таъбир жоиз бўлса, баҳорнинг бошланиши юртимизда том маънода адабиётимиз, шеъриятимиз айёмига айланиб кетади.

Зулфия номи, Зулфия ижоди истиқлол йилларида чинакам қадр топди, эъзозланди. 1995 йилда Зулфияхонимнинг 80 йиллик юбилейи муносабати билан Президентимиз йўллаган табригида эътироф этилганидек:

«Муҳтарама Зулфияхоним!

Сиз латиф ижодингиз билан миллионлаб кишиларга эзгулик, муҳаббат ва садоқатдан сабоқ бердингиз.

Ҳаёт сизни ҳар доим ҳам аягани йўқ. Аслида бу ёруғ дунёда айрилиқ ва ҳижрон азоби ҳамманинг ҳам бошида бор, аммо ғам-андуҳларни матонат билан маҳв этган, армонларидан тирик орзулар яратган, тоғдек бардоши билан садоқат ва вафо рамзига айланган сиз каби аёллар жуда кам топилади...».

Дарҳақиқат, Зулфияхоним етук шоира, садоқат ва вафо тимсоли сифатида бутун ўзбек аёллари учун намуна бўла олади. Аҳир умрининг ярим асрдан кўпроғини бир инсон хотирасига бағишлаб ўтказиш, унинг ёди билан яшаш қаҳрамонлик эмасми?

Зулфияхоним Миртемир таъбири билан айтганда, чиндан ҳам «тонг куйчиси». Нақадар гўзал, юракни титратадиган тавсиф. Тонг нафақат табиатнинг, балки тирикликнинг, руҳиятнинг ва кўнгилнинг энг пок, энг соф фасли. Ниятлар, орзу, интилишлар ва мақсадлар ҳам худди тонги шабнамдек беғубор бўлади. Зулфияхоним ўзбек шеъриятига аёл қалбининг нафосати, назокати ва маъсумлиги билан йўғрилган шундай гўзал туғёнларни олиб кирди. Ва ўзи ҳам инсониятни яхшиликка ундаб, ёмонликлардан асраб турган шу буюк туйғулар каби мангуликка муҳрланди.

Баҳорнинг илк тонгида уйғониб, пойтахтимиз марказида Юртбошимиз ташаббуси билан қад ростлаган Зулфияхоним ҳайкали пойига гулдасталар қўйиш, шоирага эҳтиром кўрсатиш учун йиғилган адабиёт ихлосмандларининг қалбида айнан шундай эзгу туйғулар мужассам эди.

— Зулфия опа ўзбек адабиётида ўз мактабини ярата олган сўз санъаткори эди, — деди тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид. — Шоира ижоди, унинг ҳаёт йўли барчамизга ўрнак бўла олади.

— Зулфияхоним ўзининг «Хотирам синиқлари» номли достонида машъум тузум уни «бахт қуйчиси» қилиб қўйганидан нолиганди, — дейди Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Гулжамол Асқарова. — Истиқлол йилларида Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилди. Кўксимизда турган ушбу мукофот бизга қанчалик фахр бағишласа, шунчалик масъулият ҳам юклайди.

Ўтган асрда яшаган қанчадан-қанча адабиётимиз намояндалари тилларида айтолмаса-да, дилларида ҳурриятга интилиб яшади. Аммо кўпчилигига бу дориламон кунларни кўриш насиб этмади. Зулфияхоним истиқлолга интилган замондошлари орасида унга етишган бахтли инсонлар қаторида қувонди, Ватан мустақиллигини фахр-ифтихор билан қарши олди. Мустақиллик нафаси унга ҳарорат, янги куч бағишлади:

Ҳуррият, келдингми, наҳотки келдинг!
Келар йўлларингда пинҳона толдим.
Менинг ота-онам, жон Ватанимда,
Элим тақдирида абадий қолдинг...

Шоиранинг юқоридаги мисраси унинг ўзига ҳам тааллуқли. Яъни Зулфияхоним нафақат ўзбек адабиётида, балки бутун ўзбек халқининг хотирасида абадий яшамоқда.

Темур АЪЗАМ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

❖ ФУТБОЛ

ЧЕМПИОНАТ БОШЛАНДИ

Баҳорнинг биринчи кунида футбол бўйича ўтказилган Ўзбекистон XVIII миллий чемпионатининг дастлабки тур учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Пахтакор» — Бухоро» — 3:0, «Насаф» — «Шўртан» — 4:2, «Қизилқум» — «Нефтчи» — 2:1, «Динамо» — «Бунёдкор» — 0:1, «Андижон» — «Локомотив» — 0:1, «Сўғдиёна» — «Машъал» — 1:0, «Металлург» — «Ҳоразм» — 0:1, «Навбаҳор» — «Олмалиқ» — 0:0.

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР!

Ўз ишлаб чиқаришингизни такомиллаштириш бўйича ғояларингиз бўлса, янги замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил қилиш ҳамда ўз корхоналарингизни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, шу асосда рақобатбардош, экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни хоҳласангиз «Пахтабанк»ка мурожаат қилинг!

ОАТБ «ПАХТАБАНК» СИЗНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАНГИЗНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙДИ ВА МОЛИЯЛАШТИРАДИ!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ-4058-сонли Фармони ижросини таъминлаш ва Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 31 декабрдаги 288-сонли қарорига асосан иқтисодиётнинг реал сектори соҳасида корхоналарни ва инвестицион фаолликни кредит йўли билан қўллаб-қувватлаш мақсадида «Пахтабанк» қуйидаги йўналишларга:

- ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, агросаноат мажмуасининг етакчи тармоқлари корхоналарини локализация даражасини ошириш ҳамда шу асосда янги, рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга;
- ишлаб чиқариш, ижтимоий, транспорт ва телекоммуникация инфратузилмасини шакллантириш ҳамда ривожлантириш бўйича ижтимоий аҳамиятга эга давлат дастурлари ва лойиҳаларини амалга оширишга;
- корхоналарнинг экспорт салоҳиятини ошириш, хусусан, замонавий асбоб-ускуналар ва мини-технологиялар сотиб олиш, ички бозорни сифатли маҳаллий товарлар билан тўлдиришга

камида 1 йиллик имтиёзли давр билан 3 йилдан ортиқ муддатга ва йиллик 14 фоиздан ошмаган ставкада имтиёзли кредитлар ажратади.

КРЕДИТ ОЛИШ УЧУН МИЖОЗ ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАДИ:

- кредитнинг мақсади кўрсатилган ариза;
- пул оқимлари прогнози кўрсатилган бизнес-режа;
- техник-иқтисодий асосланиш, шунингдек, ушбу инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг бориши тўғрисидаги ахборот;
- корхонанинг охирги 3 йилдаги молиявий ҳисоботлари;
- инвестицион лойиҳа асосида ишлаб чиқариладиган экспортбоп маҳсулот учун тузилган шартномаларнинг нусхалари;
- кредитнинг таъминоти бўйича маълумот.

Батафсил маълумот олиш учун «Пахтабанк»нинг барча филиаллари ёки 150-53-44 телефон рақами орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

«ПАХТАБАНК» – СИЗНИНГ ИШОНЧЛИ МОЛИЯВИЙ ҲАМКОРИНГИЗ!

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-43
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg'onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Asror MO'MINOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 249
17081 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O'zA yakuni — 21.00
Topshirilgan vaqti — 22.45
Sotuvda erkin narxda